

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“НЕФТЬ ВА ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ОБЪЕКТЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, ҚУРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: доц. У.А. Зиямухамедова

Ўқув-услубий мажмуа “Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси” йўналиши бўйича малака ошириш курслари учун мўлжалланган бўлиб, соҳа мутахассисларининг назарий ва касбий тайёргарлигини ривожлантириш, замонавий концепциялар ва методологик манбалар билан танишириш, педагогик муаммолар ечимини топиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини янгилаб боришга қаратилган. Шунингдек, “Нефть ва газни қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштиришиши, қуриш ва фойдаланиш” модулини ўқитишининг технологияси ишлаб чиқилган, тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорати учун тест саволлари ҳамда модулни ўқитишида учрайдиган баъзи терминларнинг таҳлили берилган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуадан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малака ошириш тармоқ марказида “Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси” йўналиши бўйича малака ошираётган барча профессор-ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

Тузувчи: т.ф.н., доц. У.А.Зиямуҳамедова

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	4
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА.....	10
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	11
МАЪРУЗА МАТНИ.....	35
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	41
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	49
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ	51
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	52
ГЛОССАРИЙ.....	53
ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	55
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	62

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари

“Нефть ва газни қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштириши, қуриш ва фойдаланиш” модулининг **мақсади** – нефть ва газни қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштириши жараёнида мухум бўлган норматив ҳужжатлар, уларни юритиш тартиблари, қуриш ва ишга тушириш жараёнларида лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган тартибларга риоя қилишда касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Нефть ва газни қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштириши, қуриш ва фойдаланиш” модулининг **вазифаси** – нефть ва газни қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштириши, қуриш ва фойдаланиш жараёнида асосий жихоз ва ускуналарни танлаш ва содир бўладиган жараёнларнинг физик моҳиятларини англаб этишига, машина ва аппаратларни ишлаш принципларига ва ҳар бир жиҳознинг техник имкониятларидан кенг фойдаланиб замон талабларига жавоб берадиган корхоналарни ва нефт ва газни қайта ишлаш замонавий технология ва техникани кенг қўллаш масалаларини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Модулнинг якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар қуидагилардан иборат:

Тингловчи:

- саноат тармоқларини ривожланиш, саноат инвестиция дастурлари лойиҳаси;
- техника-иқтисодий асослаш ва қурилиш лойиҳалари, реконструкция, техник қайта қуролланиш, консервация ва саноат объектларини тугатиш лойиҳаларини кириш;
- нефт ва газни қайта ишлаш ёки бўлмаса қора ёки рангли металлургия саноати объектларини саноат лойиҳалари объектларига киришини;

- дойиҳа-смета хужжатлари ва уларни аҳамияти;
- янги корхонани лойиҳасини тузиш, қуриш, эскиларини реконструкциялаш (қайта жиҳозлаш), техник реконструкция;
- лойиҳани корхона қурилишида ёки уни қайта қуришдаги асосий хужжат сифатида унинг моҳиятини, аҳамиятини яққол тасаввур қилган ҳолда лойиҳага қўйиладиган асосий талабларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- Лойиҳалаштириш учун топшириқларнинг бажаришда асосий хужжатларни тахлил қилиш;
- Лойиҳалаштириш учун асосий ва бошланғич маълумотларни аниқлаш;
- Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқариш учун бошланғич маълумотларни тахлил қилиш;
- Тушинтирув матнини тахлил қилиш;
- Таққосланувчи жиҳозларни техник-иктисодий кўрсаткичлари билан бир қаторда уларнинг камчилик ва афзаликлари аниқлаш **кўникумаларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур модулни ўқиши давомида тингловчилар ўзларининг соҳа бўйича чуқур билимга эга бўлиши, амалий машғулотларни мустақил бажариш тажрибаларига эга бўлишлари ва ҳисоблаш усулларидан фойдалана билишлари керак. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий фанлар (олий математика, информатика ва ахборот технологиялари, технологик жараёнларни моделлаштириш асослари, физика, амалий механика), умумкасбий (умумий ва анорганик кимё, органик, аналитик, физик-коллоид кимё, экология), лойиҳалаш ва технологик курслари, ҳамда ихтисослик «Нефт-газ кимёси ва физикаси» ва «Нефт ва нефт-газни қайта ишлаш технологияси» фанидан етарли билим ва кўникумаларга эга бўлишликни талаб этади.

Модулни олий таълимдаги ўрни

Нефтни ва газни қайта ишлаш объектларини лойиҳалаштириштириш, қуриш ва фойдаланиш фани Олий таълимда фанларида етакчи ўринларни эгаллайди. Нефтни ва газни қайта ишлаш

объектларини лойиҳалаштириши, қуриш ва фойдаланиш фани натижасида табиий газ ва бошқа хом ашёлардан турли хил экологик тоза, ҳалқ ҳўжалиги учун керакли маҳсулотлар оладиган корхоналар лойиҳалаштириллади. Шунинг учун ушбу фан зарур ҳисобланади.

Модул бирликлари бўйича соатлар тақсимоти

№	Ўқув модуллари ва уларнинг таркиблари	Жами ўқув юкламаси	Жумладан				
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	Тажриба алманиш	Мустақил таълим
1	Лойиҳа-смета хужжатларининг аҳамияти. Лойиҳани ташкил қилиш ЛСХ буюртмачиси	4	4	-	-	-	-
2	Саноат корхоналарини лойиҳалаштириш. Қурилишни турлари ва характеристери. Лойиҳалаштириш учун вазифа	4	-	4	-	-	-
3	Нефтни қайта ишлиш ва нефт кимёси корхоналарининг лойиҳасини технологик қисмини тузиш.	4	-	4	-	-	-
4	Лойиҳалаштириш учун топшириқ. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқриш учун бошланғич маълумотлар.	4	-	2	-	-	2
	Жами	16	4	10	-	-	2

Назарий машғулотлар мазмуни

1-мавзу. Лойиҳа-смета хужжатларининг аҳамияти. Лойиҳани ташкил қилиш ЛСХ буюртмачиси.

Режа:

1. Лойиҳалаштириш жараёни ҳақида тушунча.
2. Лойиҳа-смета хужжатлари.
3. Лойиҳа-смета хужжатларини буюртмачиси.
4. Лойиҳа ишларини ташкил қилиш.

Саноат корхоналарини лойиҳалаштириш умумий маълумотлар. Лойиҳа смета хужжатларининг аҳамияти. Лойиҳани ташкил этиш. Лойиҳа-смета хужжатларининг буюртмачиси Давлат лойиҳа институти. Бош лойиҳалаштириш институти. Лойиҳа институти. Лойиҳани бош инженери. Нефтни ва газни қайта ишилаш объектларини лойиҳалаштириши, қуриши ва фойдаланишнинг замонавий технологиядаги аҳамияти. Жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш имкониятлари.

Амалий машғулотлар мазмуни

1. Саноат корхоналарини лойиҳалаштириш. Қурилишни турлари ва характеристири. Лойиҳалаштириш учун вазифа.

Режа:

1. Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти фаолияти билан танишиш.
2. Лойиҳа турларини аниқлаш.
3. Саноат лойиҳалари объектларини ишлаб чиқиш.
4. Лойиҳалашни ташкил қилиш.
5. Қурилишни турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини ҳисоблаш.

2. Нефтни қайта ишилаш ва нефт кимёси корхоналарининг лойиҳасини технологик қисмини тузиш. (4 соат)

Режа:

1. Технологик қурилмани лойиҳалаш учун бошланғич материалларни йиғиши.
2. Жараён бўйича бошланғич маълумотларни тўплаш.
3. Асосий қурилманинг технологик чизмасини ишлаб чиқиш.

3. Лойиҳалаштириш учун топшириқ. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқриш учун бошланғич маълумотлар. (2 соат)

Режа:

1. Лойиҳалаш учун асосий бошланғич маълумотлар.
2. Лайиҳани технологик қисмини ишлаб чиқариш учун бошланғич маълумотлар.
3. Тушинтирув матни

Тасдиқланган техник – иқтисодий асослашни ўрганиш. Лойиҳа-смета хужжатларининг сифати баҳолашни, қурилишларнинг навбати ва смета қийматини тўғри аниқлашни, пудратчига бериладиган лойиҳа-смета хужжатларни ишлаб чиқиши, хамда эксперталар томонидан кўрсатилган камчиликларни тахлил қилишни ўрганиш. Корхонани товар баланси. Корхонани азот, водород, сиқилган ҳаво, реагентлар ва катализаторларга бўлган эҳтиёжини аниқлашни ўрганиш.

Мустақил машғулотлар мавзулари

1. Қурилишнинг турлари ва характерлари. Янги қурилиш. Нефтни қайта ишилаш ва нефт кимёси корхоналарининг лойиҳасини технологик қисмини тузиш.

2. Лойиҳалаштириш учун топшириқ. Лойиҳалаштириш учун асосий бошланғич маълумотлар

3. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар. НҚИ ва НКС жараёнларини асосий кўрсаткичлари ва уларни технологик схемадаги ўрни.

4. Лойиҳа учун топшириқ.

5. Ишлаб чиқаришнинг ва корхонанинг материаллар оқимини схемасини ва материаллар балансини тузиш.

6. Электрон лойиҳалаштириш техникасини корхоналарнинг баланс ва схемаларини ҳисоблашда қўллаш.

7. Корхонани товар баланси. Техника хавфсизлиги ва меҳнатни ҳимоя қилиш.

8. Қурилма цехларининг технологик қисмини лойиҳалаштириш. Нефтни қайта ишишда қўлланиладиган ўхшаш қурилмалар.

9. Технологик қурилмани лойиҳалаштириш учун бошланғич материаллар қурилманинг технологик чизмасини ишлаб чиқариш.

10. Ёндош мутахассисликларга технологик топшириқлар. Корхонани умумий хўжалик обьектларини лойиҳалаштириш. Хом ашёни қабул қилиб олиш ва сақлаш. Товар маҳсулотларини сақлаш ва жўнатиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абрасимов А.А., Гуреева А.А. Экологические аспекты применения нефтепродуктов. –М., 1997.
2. Вчера, сегодня и завтра нефтяной и газовой промышленности России. –М.: 1995. -256 с.
3. Гуреева А.А., Азев В.С. и. др. Топливо для дизелей. Свойство и применение. –М.: Химия, 1993.
4. Данилов А.М. Присадки и добавки. Улучшение экологических характеристик нефтяных топлив. –М.: Химия, 1996.
5. Данилов А.М., Емельянов В.Е. Митусова Т.Н. Разработка и производство экологически улучшенных моторных топлив. Тематический обзор. –М.: ЦНИИТЭНефтехим, 1994.
6. Ракеш К.Бхаргава. Нефтегазовые технологии. –М.: 2003. №5.
7. Трентьев Г.А., Тюков В.М., Смаль Ф.В. Моторные топлива из альтернативных сырьевых ресурсов. –М.: Химия, 1989.
8. Окружнов В.А. и др. Экологические свойства отечественных и зарубежных бензинов и дизельных топлив. Тематический обзор. –М.: Информавтотранс, 1995.
9. Емельянов В.Е. Разработка и внедрение автомобильных бензинов с улучшенными экологическими свойствами. // Дисс. На соискание ученной степени д.т.н. 1998.
10. Lindsan R. //13 World Petroleum Congress/ Buenos Aires/ 20-25 oct/? 1991/
11. Гилсдарф Н.Л. Труды конференции ЮОПи по нефтепереработке, 14-15 мая 1997.
12. Левинтер М.Е., Ахметов С.А. Глубокая переработка нефти. –М.: Химия, 1992.
13. Абросимов А.А. Экологические аспекты производства и применения нефтепродуктов. –М., 1999.

ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

Ўқитувчининг Ф.И.Ш	У.Зиямухамедова		
Модул номи:	“Нефть ва газни қайта ишлаш объектларини лойихалаштириши, қуриш ва фойдаланиш”		
Ажратилган вақт: 16 соат			
Модул бирликлари	Машғулот тuri	Ажратилган соат	Ўтказилиш муддати
Лойиҳа-смета ҳужжатлари аҳамияти. Лойиҳани ташкил қилиш ЛСХ буюртмачиси	назарий	4 соат	Ҳар ойнинг 1-хафтаси
Саноат корхоналарини лойихалаштириш. Қурилишни турлари ва характеристи. Лойиҳалаштириш учун вазифа	амалий	4 соат	Ҳар ойнинг 2-хафтаси
Нефтни қайта ишлаш ва нефт кимёси корхоналарининг лойиҳасини технологик қисмини тузиш.	амалий	4 соат	Ҳар ойнинг 3-хафтаси
Лойиҳалаштириш учун топширик. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқриш учун бошланғич маълумотлар.	Амалий Мустакил таълим	2 соат 2 соат	Ҳар ойнинг 4-хафтаси
жами		16 соат	

Ўқитувчи:

Зиямухамедова У.А

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-МАВЗУ: Лойиҳа-смета ҳужжатлари аҳамияти. Лойиҳани ташкил қилиш ЛСХ буюртмачиси

Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 4 соат	Тингловчилар сони 20-25та
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Лойиҳалаштириш жараёни ҳақида тушунча.</p> <p>2. Лойиҳа-смета ҳужжатлари.</p> <p>3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачиси.</p> <p>4. Лойиҳа ишларини ташкил қилиш.</p>
Машғулот мақсади:	Нефть ва газни қайта ишилаш объектларини лойиҳалаштиришиш, лойиҳа ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда лойиҳа ишларини ташкил қилиш ҳақидаги мавжуд билимларни такомиллаштириш.
Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Нефт ва газни қайта ишилаш корхоналарини лойиҳалаштириш жараёнлари ва Ўзбекистонда соҳа ривожида амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида маълумотлар бериш. - Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш талаблари ҳақида тушунча бериш. - Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачисининг хуқуқ ва бурчлари ҳамда лойиҳа ишларини ташкил этиш тартиби билан таништириш. <ul style="list-style-type: none"> - Нефт ва газни қайта ишилаш корхоналарини лойиҳалаштириш жараёнлари ва Ўзбекистонда соҳа ривожида амалга оширилаётган ислоҳатлар ҳақида маълумотларга эга бўлади. - Лойиҳа-смета ҳужжатлари ва уларни расмийлаштириш талаблари ҳақида тушунчага эга бўлади, тавсифлайди. - Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачисининг хуқуқ ва бурчлари ҳамда лойиҳа ишларини ташкил этиш тартиби билан танишади ва изоҳлаб бера олади.
Ўқитишиш усуслари	«Тушунчалар таҳлили» ва «ФСМУ» методлари
Ўқитишиш воситалари	- Электрон мажмуя, проектор, виртуал кўргазма, доска, бўр, методик материаллар.
Ўқитишиш шакли	- Жамоа ва гурухда ишилаш.
Ўқитишиш шарт-шароитлари	- Замонавий ускуналар билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти:	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди. 1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди. 1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди	
2-босқич Кириш (20 мин)	2.1. Мавзу номини эълон қилади. (1-илова) 2.2. Мавзу режаси мазмунини ёритади. Модулнинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан танишидиради. (2-илова) 2.3. Модулни ўзлаштиришида тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати билан танишидиради.(3-илова)	2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар. 2.2. Тинглайдилар. 2.3. Ёзиб оладилар.
3- босқич. Асосий (120 мин)	3.1. Тингловчиларнинг мавзуга оид тушунчаларни қай даражада билишларини аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланади. (4-илова) 3.2. Тингловчилар томонидан белгиланган тушунчалар мазмунини тўғри жавоблар билан солишидиради. Йўл қўйилган хато ва камчиликларга аниқлик киритади ва натижани баҳолайди. 3.3. Мавзуга оид маълумотларни режа асосида визуал тарзда намойиш этади ва тушунтиради. (5-илова) 3.4. Лойиҳа ишини ташкил қилишдаги муаммолар хақида тингловчилар билан сұхбат уюштиради. 3.5. Тингловчиларни кичик гурухларга ажратиб ФСМУ технологиясини қўллаган ҳолда “Нефт ва газни қайта ишилаш корхоналарини лойиҳалаштириш соҳасида Республикада амалга оширилаётган ислоҳатлар” саволи бўйича тренинг ўтказади(4-илова). 3.6. Гурухлар фаолиятини баҳолайди. Тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради.	3.1. Тинглайдилар. Берилган тушунчаларни мазмунини ёритадилар. 3.2. Тушунчалар мазмуни тўғри ёритилган вариантини ўзлариники билан тақослайдилар. Хато-камчиликларни англаб етадилар ва тўғирлаб борадилар. Ўз-ўзларини баҳолайдилар. 3.3. Тинглайдилар, тамоша қиласидилар ва ёзиб борадилар. 3.4. Сұхбатда иштирок этадилар, ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар. 3.5. Кичик гурухларга бўлинадилар. Методнинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда берилган вазифани бажаришга киришадилар. 3.6. Гурух фаолиятининг баҳоси билан танишадилар. Ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қиласидилар
4- босқич. Якуний (20 мин.)	4.1.Олинган ахборотларни умумлаштиради ва хуносалайди. 4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.	4.1.Тинглайдилар. Савол берадилар. 4.2.Топшириқларни оладилар.

МАВЗУНИНГ НОМИ: Лойиҳа-смета хужжатларининг аҳамияти. Лойиҳани ташкил қилиш ЛСХ буюртмачиси

РЕЖА:

1. Лойиҳалаштириш жараёни ҳақида тушунча.
2. Лойиҳа-смета хужжатлари.
3. Лойиҳа-смета хужжатларини буюртмачиси.
4. Лойиҳа ишларини ташкил қилиш.

**ЎҚУВ МАШГУЛОТИНИНГ МАҚСАДИ: Нефть
ва газни қайта ишилаш объектларини
войиҳалаштиришиши, лойиҳа хужжатларини
расмийлаштириш ҳамда лойиҳа ишларини
ташкил қилиш хақидаги мавжуд билимларни
такомиллаштириши.**

3-илова

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Г.А.Ланчаков, А.Н.Кульков, Г.К.Зиберт. Технологические процессы подготовки газа и методы расчета оборудования. –М: Недра, 2000. – 279 с.
2. Данилов А.М. Присадки и добавки. Улучшение экологических характеристик нефтяных топлив. –М.: Химия, 1996.
3. Данилов А.М., Емельянов В.Е.Митусова Т.Н. Разработка и производство экологически улучшенных моторных топлив. Тематический обзор. –М.: ЦНИИТЭНефтехим, 1994.
4. Lindsan R. //13 World Petroleum Congress/ Buenos Aires/ 20-25 oct 1991/
5. Мейерс Р.А. Основные процессы нефтепереработки.: справочник/Перевод с англ. под ред. О.Ф.Глаголевой и О.П.Лыкова/ - С.-Пб.: ЦОП «Профессия», 2011. -944с.
6. Общие правила взрывобезопасности для взрывопожароопасных химических, нефтехимических и нефтеперерабатывающих производств: ПБ 09-170-97. – С.-Пб.: ДЕАН, 2001. – 111с.

4-илова

“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИНинг МАШГУЛОТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ

Уибұу метод орқали тингловчиларни мавзуга оид таянч тушунчаларни қай даражада билишлари аниқланади. Бу метод тингловчиларга берилган тушунчаларга ўз изохъларини беришилари, ўз билимларини текшириб баҳолашларига имкон беради. Метод жамаавий, кичик гурӯхларда ёки якка тартибда ўтказилиши мүмкін.

ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ

Тушунча	Мазмуни
Лойиҳалаш	маълум бир капитал қурилиш лозим бўлган, янги саноат маҳсулотини яратиш керак бўлганда амалга ошириладиган лойиҳа, конструкторлик ва бошқа технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиши тушинилади
Истельмол чиқиндилари	ишлатиш муддатини ўтаб бўлган маҳсулотлар ва буюмлар
Тушинтирув матни	корхона ёки иншоотни жойлашиш ситуациянан режаси, коммуникация ва мухандислик тармоқларини жойлашиши, бош режа схемаси ва ажратилган объектларнинг ташқи транспорти ҳам илова қилинади.
Лойиҳа-смета ҳужжатлари	булгуси корхонанинг умуман ва алоҳида олинган таркибий қисмларини керакли даражада график ва текст материаллари ёрдамида ифодалаб берувчи ҳужжатдир
Лойиҳа-смета ҳужжатларни буортмачиси	янги корхоналарни қуриш учун, ер участкалари ва ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш учун капитал маблағ сарфлаш ҳукуқига берилган давлат ташкилоти
Реконструкция	ишлаб чиқариши кенгайтириш каби корхонани қувватини оширишидир
Курилиш-монтаж ташкилотлари	loyiҳa-сметa ҳужжатлari асосида қуриладиган корхонани объектларини лойиҳалаштирувчиларнинг фикрларини аниқ бажараган ташкилотлар


Баҳолаши мезони: 10 балл. Айнан тўғри жавоб учун – 10 балл

Тўғри жавобга яқин – 7-8 балл

Қисман тўғри жавоб – 5-6 балл

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

Лойиҳалаш деганда-маълум бир капитал қурилиш лозим булган, янги саноат маҳсулотини яратиш керак булганда амалга ошириладиган лойиҳа, конструкторлик ва бошқа технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тушинилади.




ЧИҚИНДИСИЗ
ТЕХНОЛОГИЯ

бу шундай ишлаб чиқаришки, бунда хом ашё ва энергия ёпик циклда ишлатилади, яъни хом ашё **ресурслари** → **ишлаб чиқариш** → **эҳтиёжни қондириш** → **иккиламчи ресурслар занжирининг ёпик цикли** амалга оширилади. Шундай қилиб атроф-муҳитга ажralадиган чиқиндилар ва истеъмолда бўлган, эскирган маҳсулотлар иккиламчи материал ресурси сифатида қайта ишлаб чиқаришга қайтарилади ва уларнинг атроф-муҳитга заарали таъсири булмайди.

ТУШИНТИРУВ МАТНИ

корхона ёки иншоатни жойлашиши ситуацион режаси, коммуникация ва муҳандислик тармоқларини жойлашиши, бош режса схемаси ва ажратилган объектларнинг ташқи транспорти ҳам илова қилинади.

Газларни тозалаш объектларини ложихалаштириш ва қуриш



**2- Мавзу: САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ.
ҚУРИЛИШНИ ТУРЛАРИ ВА ХАРАКТЕРИ. ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ УЧУН
ВАЗИФА.**

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 4 соат	Тингловчилар сони 20-25 та
Машғулот шакли –	Амалий кўникма шакллантиришга оид машғулот
Амалий машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти фаолияти билан танишиш. Лойиҳа турларини аниқлаш. Саноат лойиҳалари обьектларини ишлаб чиқиши. Лойиҳалашни ташкил қилиш. Қурилишни турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини хисоблаш.
Машғулот мақсади: Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти тажрибаси асосида саноат корхоналарини лойиҳалаштириш, қурилиш турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини хисоблашга оид амалий кўникмаларни такомиллаштириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти фаолияти билан танишиш орқали соҳадаги янгиликлар билан таништириш. Лойиҳа институтининг лойиҳа-қидирав ишлари учун тематик режалари мазмун-моҳиятини тушунтириш. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни тўплаш. Лойиҳа хужжатларини ўрганиш ва анализ килишни ўргатиш. Қурилишни турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини хисоблаш кўникмаларини шакллантириш. 	<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти фаолияти билан танишишадилар янги технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тажриба алмашадилар. Лойиҳа институтининг лойиҳа-қидирав ишлари учун тематик режалари мазмун-моҳиятини англаб етадилар ва лойиҳа қидирав ишлари учун тематик режаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўладилар. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни тўплайдилар, лойиҳа обьектларини анализ қиласадилар; Лойиҳа хужжатларини ўрганадилар ва таҳлил қиласадилар. Қурилишни турлари ва характеристини аниқлайдилар, заарали чиқиндиларни таъсирини анализ қиласадилар ва лойиҳа-смета хужжатларини хисоблайдилар.
Ўқитиш воситалари	Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институтининг лаборатория жиҳозлари, компьютер, проектор, слайдлари, тарқатмалар, доска
Ўқитиш усуллари	“Лойиҳа” усули
Ўқитиш шакллари	Жамоа, гурухда ишлаш
Ўқитиш шароити	Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти ўқув хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров

Амалий машғулотни технологик харитаси

Босқичлар вақти:	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалий машғулот ўтказиш учун амалий иш топшириқларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Мавзуни мустаҳкамлашга оид тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (20 минут)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. (1-илова)</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради. (2-илова)</p> <p>2.3. Машғулот Ўзбекистон давлат лойиҳалаш институтининг ўқув хонасида олиб борилиши билдирилади.</p>	<p>2.1. Тинглайдилар.</p> <p>2.2. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p> <p>2.3. Машғулот ўтказиладиган ўқув хонаси билан танишадилар.</p>
3 -bosқич. Асосий бўлим (130 мин)	<p>3.1. Ўзбекистон лойиҳалаш илмий текшириш институти тарихи, фаолияти ва илмий-ходимлари ҳақида тушунтиради ва институтнинг маҳсус хоналари билан таништиради.</p> <p>3.2. Институтнинг бош лойиҳачисини жалб қилган ҳолда лойиҳа-қидирав ишлари учун тематик режаларини ишлаб чиқиш, лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш, лойиҳа хужжатларини ўрганиш ва анализ килиш, қурилишни турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини ҳисоблаш жараёнларини кузатадилар, таххил киладилар, таккослайдилар.</p> <p>3.3. Институт бош лойиҳачиси томонидан тавсия этилган саноат обьектини лойиҳалаштириш жараёнини амалга ошириш учун “Лойиҳа” методидан фойдаланиб, тингловчилардан 5 кишилик гурухлар шакллантиради ва ҳар бир гурухга топшириқлар беради. Топширикни бажариш учун вақт белгилаб беради. (3-илова)</p> <p>3.4. Топширикларнинг бажарилишини бош лойиҳачи билан биргаликда назорат қилади, лозим топилганда маслаҳатлар бериб боради.</p> <p>3.5. Тингловчилар томонидан тайёрланган лойиҳалар тақдимотини ўтказади.</p> <p>3.6. Топширикни бажарилиш натижаларини таххил қилади, тузатишлар киритади. Гурухлар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>3.7. Мавзу бўйича якунловчи хулосаларни беради.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, томоша қиладилар ва танишадилар.</p> <p>3.2. Лойиҳа-қидирав ишлари учун тематик режаларини ишлаб чиқиш, лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш, лойиҳа хужжатларини ўрганиш ва анализ килиш, қурилишни турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини ҳисоблаш жараёнларини кузатадилар, таххил киладилар, таккослайдилар.</p> <p>3.3. Лойиҳалаштириш учун танланган саноат обьекти билан танишадилар, берилган топширикларни бажариш учун гурухларга бўлинадилар. Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ахборот йигиши, режалаштириш, қарор қабул килиш, хулоса чиқариш каби жараёнлар учун белгиланган вақтни тўғри тақсимлаб оладилар.</p> <p>3.4. Саволлар юзага келганда бош лойиҳачидан маслаҳатлар сўрайдилар.</p> <p>3.5. Бажарган топширикларини тақдимот қиладилар.</p> <p>3.6. Аниқланган камчиликларга тузатишлар киритадилар, ўз фаолиятларини баҳолайдилар.</p> <p>3.7. Мавзуга оид якунловчи хулосаларни тинглайдилар.</p>
4-босқич. Якунловчи (10 мин)	4.1. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.	4.1. Тинглайдилар. Топширикларни оладилар.

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ.
ҚУРИЛИШНИ ТУРЛари ВА ХАРАКТЕРИ. ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ
УЧУН ВАЗИФА.**

- 1. Ўзбекистон давлат лойиҳалаш институти фаолияти билан танишиш.**
- 2. Лойиҳа турларини аниқлаш.**
- 3. Саноат лойиҳалари объекларини ишлаб чиқиши.**
- 4. Лойиҳалашни ташкил қилиши.**
- 5. Қурилишни турлари ва характеристидан келиб чиқиб, лойиҳа-смета хужжатларини ҳисоблаш.**

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Г.А.Ланчаков, А.Н.Кульков, Г.К.Зиберт. Технологические процессы подготовки газа и методы расчета оборудования. –М: Недра, 2000. – 279с.
- 2.Данилов А.М. Присадки и добавки. Улучшение экологических характеристик нефтяных топлив. М.: Химия, 1996.
- 7.Данилов А.М., Емельянов В.Е.Митусова Т.Н. Разработка и производство экологически улучшенных моторных топлив. Тематический обзор. М.: ЦНИИТЭНефтехим, 1994.
8. Lindsan R. //13 World Petroleum Congress/ Buenos Aires/ 20-25

ЛОЙИҲА МЕТОДИ

Бу таълим олувчиликарнинг якка ёки гурухларда белгиланган вақт давомида ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Таълим олувчиликар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, топшириш, хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар.

ПЕДАГОГ ВАЗИФАСИ

1. Топшириқларни ишлаб чиқиш.
2. Лойиҳа билан таништириш.
3. Топшириқни таълим олувчининг имкониятига мослаштириш.
4. Жараённи кузатиб туриш.
5. Топшириқни мустақил бажарилишини таъминлаш.

МЕТОД УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

- 1-гурух: Лойиҳалаштириш учун асосий бошланғич маълумотларни тўпланг
- 2-гурух: Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқинг ва жараёнларни асосий кўрсаткичлари ва уларни технологик схемадаги ўрнини аниқланг.
- 3-гурух: Корхонанинг материаллар оқимини схемасини ва материаллар балансини тузинг.
- 4-гурух: Электрон лойиҳалаштириш техникасидан фойдаланиб корхоналарнинг баланс ва схемаларини ҳисобланг.

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишининг тартиби ва таркиби

1. Қурилиш объекти (йўли) учун майдонни танлаш.
2. Муҳандислик текширув ва қидибув ишларини амалга ошириш.
3. Танланган майдоннинг тасдиқланган **актинии тайёрлаш** ва лойиҳа ҳужжатларини йифиш.
4. Лойиҳа учун **топшириқ** тайёрлаш.

Қурилиш объекти (йўли) учун майдонни танлаш

Майдонни танлаш масъулияти буюртмачи зиммасига юклатилади. Генерал (бош) лойиҳачи танлаган майдонда турли муҳандислик текширувлари ва қидибув ишларини амалга оширади, лозим бўлганда маҳсус ва илмий - тадқиқот ташкилотларини хам ёрдамга чақиради.

Муҳандислик текширув ва қидирув ишларини амалга ошириш.

Муҳандислик текширув ва қидирув ишларида танланган майдондаги оқава сувлар учун канализацияли кувур системаси бор-йўқлиги, шамолнинг асосий йўналишлари, ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишилаш имкони борлиги, каттик чиқиндиларни узоқ вақт сақлаш майдонлари бор-йўқлиги ва шу кабилар кўриб чиқилади.

Лойиҳалаштирилаётган корхона одатда қишлоқ-хўжалик экинларига яроқсиз бөелган ерларда жойлаштирилади, бунда ажralадиган заарли ташламалар **руҳсат этилган ташланмалар меъёри** даражасида бўлиши, ерларни рекультивация қилиш имкони борлиги ҳам эътиборга олинади.

Танланган майдоннинг тасдиқланган актинии тайёрлаш ва лойиҳа хужжатларини йиғиш.

- мазкур танланган обьектни лойиҳалаш учун асос;
- қурилиш ҳақида маълумот (янги, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта жихозлаш);
- қурилиш майдончаси ва пункти (райони)ни кўрсатиш;
- ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва маҳсулот номенклатурасини белгилаш;
- ишлаб чиқариш бирлашмасининг таркибига кирувчи лойиҳалаштирилаётган корхона (иншоот) ни хўжалик ва ишлаб чиқариш нуқтai назаридан кооперациялаш ҳақида маълумот;
- саноат тармоғи таркибида лойиҳалаштирилаётган корхона (иншоот)ни жойлаштириш шартлари ҳақида маълумот;
- технологик схема, ишлаб чиқаришни ташкил этиш услуги ҳақида маълумот;
- лойиҳада илмий-техник янгиликларни ишлатиш ҳақида топшириқ;
- атроф-муҳитни ҳимоя қилишда бошланғич тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича низомлар;
- ер участкаларини қайта тиклаш ва кейинчалик қайта ишлатиш ҳолатига қайтариш бўйича тадбирлар;
- хом ашё, материал, энергетик ресурсларни авайлаб ишлатиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ва энергетик иккиламчи ресурсларни утилизациялаш бўйича тадбирлар;
- қурилишни бошланиш ва тугатиш муддатлари ҳақида маълумот;
- алоҳида комплексларни ишга тушириш навбати ҳақидаги талаблар ва шу каби тадбирлар топшириқда жамланади.

3- Мавзу.**НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА НЕФТ КИМЁСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ
ЛОЙИҲАСИНИ ТЕХНОЛОГИК ҚИСМИНИ ТУЗИШ.****Амалий машғулотни олиб бориши технологияси**

Вақти -4соат	Тингловчилар сони – 20-25 та
Машғулот шакли –	Амалий машғулот
Амалий машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> Технологик қурилмани лойиҳалаш учун бошланғич материалларни йифиш. Жараён бўйича бошланғич маълумотларни тўплаш. Асосий қурилманинг технологик чизмасини ишлаб чиқиш.
Машғулот мақсади: Нефтни қайта ишилаш ва нефт кимёси корхоналарининг лойиҳасини технологик қисмини тузишга оид амалий кўникмаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<ol style="list-style-type: none"> Турли нефт ва газни қайта ишилаш технологик обьектларни таҳлил қилишни ўргатиш. Иккиламчи жараёнлар амалга ошириладиган қурилмалар хом ашёни сифатига таъсирини ўргатиш. Янги ишлаб чиқариш жараённинг лойиҳасини тузишда асосий хужжат (технологик регламент)ни таҳлил қилишни ўргатиш. Лойиҳани яратишдаги асосий босқичлардан ўргатиш. 	<ol style="list-style-type: none"> Нефт ва газни қайта ишилаш обьектлари технологияларини таҳлил қила олади. Лойиҳа қилинаётган обьект учун, хом ашё тури ва сифатига қараб асосий қурилмаларни танлай олади. Янги ишлаб чиқариш жараённинг лойиҳасини тузишда асосий хужжат (технологик регламент)ни таҳлил қиласи ва бошланғич маълумотларни тўплайди. Лойиҳани яратишда асосий босқичларни тўғри белгилай олади.
Ўқитиши воситалари	ЎУМ, мавзу бўйича визуал материаллар, компьютер, проектор, слайдлари, тарқатмалар, доска
Ўқитиши усуллари	Зинама-зина технологияси, амалий иш
Ўқитиши шакллари	Жамоа, гурӯҳда ишилаш
Ўқитиши шароити	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров

Амалий машғулотни технологик харитаси.

Босқичлар вақти:	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Вертуал кўрсатиш учун слайдлар тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўзлаштиришда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (20 минут)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди. (1-илова)</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради. (2-илова)</p> <p>2.3. Машғулот зинама зина технологияси шаклида ўтказилиши кўзда тутилганлигини билдиради ва методнинг ўтказилиш тартиби билан таништиради. (3-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, танишадилар, англаб етадилар.</p> <p>2.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Машғулотда ўтказиладиган метод ҳақида маълумотларга эга бўладилар.</p>
3 -босқич. Асосий бўлим (120 мин)	<p>3.1. Технологик қурилмани лойиҳалаш учун бошлангич материалларни йиғиши, лойиҳани бажариш учун тасдиқланган топширик жараён бўйича бошлангич маълумотларни тўплаш, лойиҳани техник шароити ва норматив хужжатларни расмийлаштириш ҳамда ижросини таъминлашга оид билимларни визуал материаллар орқали мустаҳкамлайди (4-илова).</p> <p>3.2. Мавзу мазмунининг муҳокамасини зинимазина технологияси орқали давом эттиришни гурухга эълон қиласди ва гурх тингловчиларидан кичик гурухлар ташкил этади.</p> <p>3.3. Ҳар бир гурух учун тарқатма материаллар тарқатади ва топширикни бажаришга йўналтиради.</p> <p>3.4. Гурухлар фаолиятини назорат қиласди. Топширикни бажариш жараёнида юзага келган саволларга жавоб беради.</p> <p>3.5. Гурухларнинг тақдимотларини тинглайди, зарур жойларида тўлдиришлар киритади. Ҳар бир гурух тақдимоти юзасидан бошқа гурухларнинг фикр-мулоҳазалар билдиришга чорлайди.</p> <p>3.6. Берилган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан аниқликлар киритади, тўлдиради ва хато камчиликларни кўрсатиб ўтади.</p>	<p>3.1 Тинглайдилар, томоша қиласдилар ва дафтарга ёзиб оладилар</p> <p>3.2. тренингга таёрганадилар ва кичик гурухларга бўлинадилар</p> <p>3.3. гурух аъзолари билан ҳамжихатликда берилган топшириқларни бажаришга киришадилар.</p> <p>3.4. Топширикни бажариш жараёнида юзага келган саволлар билан мурожаат киладилар.</p> <p>3.5. Гурух тақдимотида иштирок этадилар. Фикр-мулоҳазалар билдирадилар. Ўз фикрларини ҳимоя киладилар.</p> <p>3.6. Хато-камчиликларини англаб етадилар, тузатишлар киритадилар.</p>
4-босқич. Якунловчи (20 мин)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Гурухлар фаолиятини баҳолайди.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

МАВЗУ: НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА НЕФТ КИМЁСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТЕХНОЛОГИК ҚИСМИНИ ТУЗИШ.

РЕЖА:

1. ТЕХНОЛОГИК ҚУРИЛМАНИ ЛОЙИҲАЛАШ УЧУН БОШЛАНГИЧ МАТЕРИАЛНИ ЙИФИШ.
2. ЖАРАЁН БҮЙИЧА БОШЛАНГИЧ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ.
3. АСОСИЙ ҚУРИЛМАНИНГ ТЕХНОЛОГИК

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Г.А.Ланчаков, А.Н.Кульков, Г.К.Зиберт. Технологические процессы подготовки газа и методы расчета оборудования. –М: Недра, 2000. – 279с.
2. Данилов А.М. Присадки и добавки. Улучшение экологических характеристик нефтяных топлив. М.:

**“ЗИНАМА-ЗИНА”
МЕТОДИ**

Мақсад: Тингловчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлишга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзуунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш. Ушбу машғулот тингловчиларни ўтилаётган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишда ифодалай олишга ўргатади.

ГУРУХЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1-гурӯҳ: лойиҳалаш учун бошлангич материалларни йигинг.

2-гурӯҳ: лойиҳани бажарии учун тасдиқланган топшириқ жараён бўйича бошлангич маълумотларни тўпланг.

3-гурӯҳ: лойиҳани техник шароити ва норматив хужжатларни расмийлаштиринг.

4-илова

ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР.

ЛОЙИҲАЛАШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧЛАРИ



Дастлабки маълумотлар, танланган технологик вариантни техник ва иқтисодий даражаси, объектни лойиҳа қуввати ҳақидаги маълумот, махсулот сифати ва номенклатураси, ҳамда энергетик таъминот ҳақидаги, сув ва бошқа ресурслар, бирлик махсулот ишлаб чиқиши учун рационал сарф бўладиган ресурслар ҳақида маълумотларни ўзида жамлаган умумий тушунтирув матни. Бундан ташқари ер участкаларини рекультивацияси тўғрисидаги амалга ошириладиган тадбирлар рўйхати, фойдали қазилмаларни, ишлаб чиқариш чиқиндиларини, иккиласми энурго ресурсларни самарали ишлатиш ҳақидаги маълумотлар, ҳамда атроф-мухитни муҳофазаси




Технологик жараёнларнинг материал ва ёқилғи-энергетик **баланслар ҳисоби**, ишлаб чиқариш дастури, ишлаб чиқариш технологияси бўйича маълумот ва характеристика, танланган жиҳозлар таркиби, цех ва цехлараро коммуникация характеристикиаси, энерготаъминот бўйича маълумотлар, технологик жараёнлар автоматизацияси ва назорати, атроф-муҳит ҳимояси бўйича аниқ (конкрет) тадбирлар, меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича тадбирларни ўз ичига олган технологик маълумотлар. Ушбу бўлимдаги барча маълумотлар миқдорий қўрсатгичга эга бўлади.

Лойиҳага ушбу бўлимга оид технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг механизациясини принципиал схемалари, жиҳозларнинг технологик компоновкаси, юк оқимларининг схемаси, автоматлаштириш схемаси, иссиқлик тармоқлари схемаси ва шу каби бошқа чизмалар илова этилади.



Лойиҳанинг бошқа бўлимларига қуйидагилар киради:
курилиш ҳақида буйруқ, қурилишни ташкил этиш, уй-жой-фуқаро қурилиши, смета хужжатлари, лойиҳа паспорти.



4-Мавзу **Лойиҳалаштириш учун топшириқ. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқариш учун бошланғич маълумотлар.**

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти-2 соат	Тингловчилар сони 20-25 та
Машғулот шакли –	Амалий машғулот
Амалий машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> Лойиҳалаш учун асосий бошланғич маълумотлар Лайиҳани технологик қисмини ишлаб чиқариш учун бошланғич маълумотлар. Тушинтирув матни
Машғулот мақсади: Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқариш учун бошланғич маълумотларни түплашга оид кўникмаларни ривожлантириш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
<p>1.Лойиҳалаштириш учун топшириқларнинг бажарувчи шахсларга қўйилган талаблар ва ишни тўғри ташкил этишга оид кўникмаларни шакллантириш.</p> <p>2. Лойиҳалаш учун асосий ва бошланғич маълумотларни түплашга оид амалий тавсиялар бериш.</p> <p>3. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш учун маълумотлар түплашга оид амалий тавсиялар бериш.</p> <p>4. Тушунтирув матнини яратиш асосларини ўргатиш.</p>	<p>1.Лойиҳалаштириш учун топшириқларнинг бажарувчи шахсларга қўйилган талаблар асосида ишни тўғри ташкил эта олади.</p> <p>2. Лойиҳалаш учун асосий ва бошланғич маълумотларни тўплайди.</p> <p>3. Лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқиш учун маълумотлар тўплайди.</p> <p>4. Тушунтирув матнини талаб даражасида яратади.</p>
Ўқитишиш воситалари	ЎУМ, компьютер, проектор, слайдлари, тарқатмалар, доска
Ўқитишиш усуслари	Амалий иш
Ўқитишиш шакллари	Жамоа, гурӯҳда ишлаш
Ўқитишиш шароити	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров

Амалий машғулотни технологик харитаси

Босқичлар вақти:	Фаолият мазмуни	
	Үқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалий машғулот ўtkазиш учун топширикларни тайёрлайди.</p> <p>1.3. Фойдаланилайдиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (10 минут)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон килади, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради.</p> <p>2.3. Мавзуга оид жонлантирувчи саволлар билан мурожаат килади. (1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3 -босқич. Асосий бўлим (60 мин)	<p>3.1. Нефтни қайта ишилаш корхонасини куриш ва жойлаштиришининг тасдиқланган схемаси, асословчи материаллар ва корхона куриладиган районнинг ривожланиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш схемаси, лойихалаш учун берилган тасдиқланган топширик, лойихаланувчи корхона учун яратилган янги технологик жараённи илмий-тадқиқот хисоботлари, давлат назорат органларининг курилиш майдони районидаги атмосфера, сув ҳавзаларини ва тупроқни ҳолати ҳақидаги маълумотлар беради ва маълумотларни кинофильм кўрсатиш орқали мустаҳкамлайди.</p> <p>3.2. Мавзуга оид амалий топшириклар беради ва топширикларни бажариш учун вакт белгилайди. (2-илова)</p> <p>3.3. Топширикни бажарилишини назорат килади.</p> <p>3.4. Топширикни бажарилиши бўйича саволжавоб шаклида сўров уюштиради.</p> <p>3.5. Тингловчилар томонидан йўл қўйилган камчиликларга аниқлик киритади, изоҳлади, мустаҳкамлайди.</p> <p>3.6. Саволларга берилган жавобларни ёзиб боради. Билдирилган фикрларни гурӯх билан биргалиқда гурӯхларга ажратади. Енг мақбул ечимни топишга ҳаракат қиласидилар.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, томоша қиласидилар ва дафтарга ёзиб оладилар</p> <p>3.2. Белгиланган вақт давомида амалий топширикларни бажаришга киришадилар.</p> <p>3.3. Лозим топилган вазиятларда ўқитувчига саволлар билан мурожаат қиласидилар.</p> <p>3.4. Топширик юзасидан берилган саволларга жавоб берадилар.</p> <p>3.5. Йўл қўйган хато ва камчиликларини англаб етадилар ва тузатиб борадилар.</p> <p>3.6. Тинглайдилар, муаммони ҳал қилишга киришадилар. Мустақил фикрлайдилар. Берилган фикр ва ғояларини химоя қиласидилар. Энг мақбул ечимни топишга ҳаракат қиласидилар.</p>
4-босқич. Якунловчи (10 мин)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлади. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлади. Топшириклар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топширикларни оладилар.</p>

(1-илова)

МАВЗУГА ОИД ЖОНЛАНТИРУВЧИ САВОЛЛАР

- 1. Нефт ва газ саноати объектларининг қурилиш қисми неча бўлимдан иборат?**
- 2. Қурилиш лойиҳаларининг асосий принциплари нечта?**
- 3. Заводларда фойдаланиладиган азотнинг босими**

2-илова

АМАЛИЙ ТОПШИРИҚЛАР.

1-ТОПШИРИҚ.

Лойиҳа тайёрлаш учун топшириқ беришга буюртмачи томонидан бажариладиган мажбуриятлар ва уларнинг хуқуқларини асосланг.

2-ТОПШИРИҚ.

Бош лойиҳачи томонидан (буюртмачини талабига биноан) тайёрлган лойиҳалаштириши ҳужжатларини таҳлил қилишда қандай мезонларга амал қилинади.

3-ТОПШИРИҚ.

Лойиҳалаш учун топшириқ тасдиқланган корхонани жойлаштириш ва ривожлантириш схемаси асосида ишни ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак.

МАЪРУЗА МАТНИ

Мавзу: Лойиҳа-смета хужжатлари аҳамияти. Лойиҳани ташкил қилиш ЛСХ буюртмачиси.

Режа:

- 1. Лойиҳалаштириш жараёни ҳақида тушунча.**
- 2. Лойиҳа-смета хужжатлари.**
- 3. Лойиҳа-смета хужжатларини буюртмачиси.**
- 4. Лойиҳа ишларини ташкил қилиш.**

Таянч сўз ва иборалар: лойиҳа, смета, чиқиндисиз технология, топширик, лойиҳа-смета хужжатлари, майдонни танлаш, комплекс қайта ишилаш, материал оқим, мухандислик текширув, мухандислик қидирув ишлари, мухандис-ложиҳачи, лойиҳалашнингбосқичлари, руҳсат этилган ташланмалар меъёри.

Лойиҳалаш

Лойиҳалаш деганда - маълум бир капитал қурилиш лозим бўлган, янги саноат маҳсулотини яратиш керак бўелганда амалга ошириладиган лойиҳа, конструкторлик ва бошқа технологик хужжатларни ишлаб чиқиш тушинилади. Лойиҳа хисоб-китоб, чизма, модель, макет, регламент, инструкцияларни ва шу каби бошқа маълумотларни ўзида жамлаб, керакли сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш максадида саноат объектларини яратиш учун тайёрланади.

Лойиҳада қуйидаги тадбирлар кўзда тутилган:

- 1) Ерлардан самарали фойдалана олиш ва табиатни асраш;
- 2) Ёқилғи-энергетик ва материал ресурсларни самарали ва тежаб ишлатиш;
- 3) Материал ва хом ашёни комплекс ишлатиш;
- 4) Ишлаб чиқаришда чиқиндисиз технологияни жорий этиш.

